

Эргашев Сирожиддин Абдуғаффорович

Андижон давлат университети География кафедраси ўқитувчиси

Уринбоев Ҳасанбой Журахон ўғли

Андижон давлат университети магистранти

ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТИГА КЛАСТЕР ТИЗИМИНИ ЖОРИЙ ЭТИШНИНГ БАЪЗИ БИР МАСАЛАЛАРИ

Аннотация: Ушбу мақолада ҳудудий кластер тизимини иқтисодиёт тармоқларига тадбиқ қилиш ва Ўзбекистон саноатига бу интеграцион тизимини жорий этиш тўғрисида фикр юритилган.

Калит сўзлар: кластер тизими, маҳаллий таъсирга эга кластерлар, минтақавий кластерлар, псевдокластерлар, марказлашув, кластер ядроси, ўзак корхоналар.

НЕКОТОРЫЕ ВОПРОСЫ ВНЕДРЕНИЯ КЛАСТЕРНОЙ СИСТЕМЫ В ЭКОНОМИКУ УЗБЕКИСТАНА

Аннотация: В данной статье рассматривается внедрение региональной кластерной системы в экономику и внедрение данной интеграционной системы в промышленность Узбекистана.

Ключевые слова: кластерная система, кластеры с локальным влиянием, региональные кластеры, псевдокластеры, централизация, ядро кластера, профильные предприятия.

SOME ISSUES OF INTRODUCING A CLUSTER SYSTEM IN THE ECONOMY OF UZBEKISTAN

Annotation: This article discusses the introduction of a regional cluster system into the economy and the introduction of this integration system into the industry of Uzbekistan.

Keywords: cluster system, clusters with local influence, regional clusters, pseudo-clusters, centralization, cluster core, specialized enterprises.

Кириш. Ишлаб чиқариш кучларини ҳудудий ташкил этиш, жойлаштириш ва ривожлантириш бўйича назарий ва амалий масалалар дастлаб саноатнинг бешиги бўлган Европада яратила бошланди. Бизнинг минтақада ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш ва ривожлантириш юзасидан катта аҳамиятга эга назариялар яратилиши ва иқтисодиётга

тадбиқ қилиниши XX аср бошларига тўғри келади. Ўтган асрнинг 20-йилларида рус олими И.Г.Александров ГОЭЛРО плани, яъни собиқ Иттифокни электрлаштириш давлат режаси доирасида ДнепроГЭС лойиҳасини ишлаб чиқиш жараёнида район комбинатлари ҳақидаги назарияни ишлаб чиқди. Олим томонидан мазкур масалани чуқур ўрганиш асосида 1930 йилларда район ишлаб чиқариш комбинатларини ишлаб чиқариш жараёнида ташкил этиш таклифи илгари сурилди. Кейинроқ Н.Н. Колосовский ва И.Г. Александровнинг район ишлаб чиқариш комбинатлари Урал, Сибирь ва Козоғистон каби йирик иқтисодий географик районларига тадбиқ этилди [2].

Иқтисодиётнинг жадал ривожланиши саноат тармоқларида янгича қарашларни юзага келишига замин яратди. 1950 йилларга келиб Ғарбий Европада ишлаб чиқариш кучларини ҳудудий ташкил этиш ва такомиллаштиришда кластер усули кенг тадбиқ этилиши бошланди.

Натижа ва муҳокама. “Кластер” термини инглизча, “панжа”, “бош”, “боғлам”, “гуруҳ”, “тўпланиш” маъноларини билдиради. Кластер назариясига оид илк фикрлар М. Портерга тегишлидир. Унинг фикрига кўра, “кластер” бу – муайян ҳудудда ўзаро боғлиқ бўлган бир неча корхоналарнинг тўплами бўлиб, улар бир-бирининг рақобатбардошлигини оширишга хизмат қилувчи ва ўз навбатида, мажмуали ривожланишини таъминлайдиган ўзаро манфаатли ҳамкорлар жамланмасидир. М. Портернинг таъкидлашича, қайси давлат ёки минтақада кластерлар ривожланган бўлса, ўша ҳудудда истиқомат қилаётган аҳолининг турмуш даражаси юқори бўлади [3].

Ҳудудий кластерларни шакллантириш учун қуйидаги омиллар талаб қилинади:

биринчидан, чекланган географик ҳудудда барча кластер иштирокчиларининг мужассамлашуви (мазкур минтақада, кластерни шакллантиришга ва корхоналарни қўллаб-қувватлаш ва хизмат кўрсатишга

ёрдам берадиган рақобатбардош устунликка эга бўлган етакчи компанияларнинг мавжудлиги);

Иккинчидан, иштирокчилар ўртасида ҳамкорликни мувофиқлаштириш (махаллий ва минтақавий даражада ҳамкорлик қилиш орқали кластернинг “ядроти”ни ташкил этадиган илмий-тадқиқот муассасалари, турдош корхоналарнинг ҳамкорлигини уйғунлаштириш) [4].

Жуда кўп назарий ва амалиётчи мутахассислар томонидан ҳудудий кластерга таъриф берилган ва бу таърифлар асосланган. Бу таърифлар баъзида бир-бирини тўлдирса, айримларида бир-бирига мос келмайди. Бунга сабаб кластер тизими турли вақтда ва турли ҳудуддаги табиий, иқтисодий-ижтимоий имкониятлар бир хил бўлмаганлиги сабабли турлича намоён бўлади.

Кластерлар бугунги замонавий иқтисодиётда жуда катта устунликларга эга бўлиб, анъанавий ишлаб чиқариш корхоналари ва кластерга бириккан корхоналар ўртасида турли даражадаги тафовутлар мавжуд (жадвалга қаранг).

жадвал

Анъанавий ва кластерлашган бирлашма, корхоналарнинг қиёсий тавсифи¹

№	Фаолият тури	Анъанавий корхоналар	Кластерга бириккан корхоналар
1.	Асосий ишлаб чиқариш	Қатъий ихтисослашув, стандарт маҳсулотлар	Эгилувчан ихтисослашув
2.	Ишлаб чиқариш тармоқлари	Кооператив ишлаб чиқариш, марказлашув	Фирмаларни йўналишлар бўйича жойлаштириш
3.	Рақобат	Ички бозорда, минтақа ичида	Глобал ва чегараланган ҳудуд
4.	Ҳудудий жойлаштириш	Минтақа ичида, минтақалар аро	Географик яқин ҳудудлар
5.	Иқтисодий кўрсаткичлар	Тармоқларда	Кластер тизимида кирган тармоқ йиғиндисиди

¹ Пиласов А. Лучшая практика формирования территориальных инновационных систем регионах России // Синергия пространства региональные инновационные системы, кластеры и проекты и знания. – Москва-Смоленск., 2005. – С. 46-47.

6.	Меҳнат ресурслари	Меҳнат ресурсларининг кам ҳаракатчанлиги	Меҳнат ресурсларининг фаол ҳаракат қилиши
7.	Давлат бошқаруви	Тармоқ ва корхоналарни тартибга солиш бўйича чоратадбирлар ишлаб чиқиш	Кластерга бириккан корхоналарни бошқаришда айрим жиҳатларини тартибга солиш
8.	Биргаликда ҳаракат қилиш механизмлари	Расмий	Расмий ва норасмий

Турли давлатларда ташкил этилган кластерларни таққослаш ва ўрганишлар шуни кўрсатадики, улар ўртасида марказлашув даражаси ва ҳудудий жиҳатдан умумийлик борлигини кўрсатади. Ҳудуди кичик мамлакатларда кластерлаштириш умумдавлат миқёсида ташкил этилса, ҳудуди катта давлатларда эса маъмурий-ҳудудий бирликлар даражасида ташкил этилади.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистон шароитида ҳудудий кластерларни ташкил этиш миллий даражада олиб бориш муҳимми ёки ҳудудлар миқёсидами?, деган савол пайдо бўлиши табиий ҳол. Республикамиз майдони жиҳатидан ҳудуди катта мамлакатлар қаторга кирмаганлигини ҳисобга олсак, кластер тизимини жорий этиш давлат миқёсида ташкил этилиши ва назорат қилиб борилиши мақсадга мувофиқ (айниқса, бошланғич босқичда назорат давлат кўлида бўлиши лозим). Шу ўринда таъкидлаб ўтиш лозимки, ҳудудлар имконияти ва улардаги табиий, иқтисодий-ижтимоий вазият маҳаллий ҳокимликлар билан ҳамкорликни талаб қилади ва кластер тизимининг ривожланишида муҳим ўрин бўлади. Яна бир жиҳат шундаки, ҳудудлар имконияти бир хил эмаслиги кластер тизимини жорий этишда ягона қолип бўлади, деган фикрларни четга суриб қўйиш кераклигини кўрсатади. Яъни, жаҳон тажрибасида ўзини оқлаган сиёсат Ўзбекистон ва унинг ҳудудларида турлича натижа бериши мумкин. Шу сабабдан, жаҳон тажрибасини ўрганган ҳолда, республика шароитида кластерлар ташкил этишни босқичма босқич амалга ошириш ва уларнинг кўламини кенгайтириш мақсадга мувофиқ. Шунга кўра, кластер тизимини

иқтисодиётга жалб қилиш ва кутилган натижага эга бўлишда ривожланиш босқичлари муҳим ўрин тутаяди.

Биринчи босқичда маҳаллий таъсирга эга кичик кластерлар шаклланади. Мазкур кластерларни ташкил этишда, ҳудуднинг асосий хўжалик тармоғи танланади ва давлат томонидан ҳуқуқий, молиявий ёрдам кўрсатилади. Кластер таъсисчилари томонидан асосий ўзак корхоналар атрофида уларга бевосита ва билвосита алоқадор инфратузилма шароитлари ўрганилиб чиқилади. Ўрганиш натижалари асосида қайд этилган камчиликларни бартараф этиш юзасидан амалий тавсиялар ишлаб чиқилади, корхоналарнинг экспорт ва импорт фаолияти соддалаштирилади. Ушбу босқичдаги кластерларга бириккан корхоналарга маҳаллий хом ашёни иложи бориша пастроқ нархларда етказиб бериш, замонавий техника ва дастгоҳлар билан таъминлаш, узоқ муддатли имтиёзли кредитлар ажратишда давлат органларининг роли катта бўлади.

Иккинчи босқичда республика таъсирга эга бўлган йирик кластерлар пайдо бўлади. Бу босқичда эса ҳудудда инфратузилма талаб даражасига олиб чиқилади. Лекин, ишлаб чиқариш жараёни муттасил ортиб бориши туфайли тармоқларда диверсификация жараёни кетади. Шу сабабдан қўшимча инфратузилмаларни яратиш давр талабига айланади. Илмий тадқиқот марказлари билан алоқаларга алоҳида эътибор бериш, халқаро талаблар негизида фаолият юритиш имкониятини беради.

Учинчи босқичда минтақа таъсирга эга йирик кластерлар вужудга келади. Бу кластерлар минтақада ўзига хос нуфузга эга бўлиб, улар ҳудуд бозорини ўрганиш учун маркетинг ишларини жадал ривожлантиради, фан-техниканинг энг сўнгги ютуқ ва янгиликларига кўпроқ эътибор қаратади. Мазкур типдаги кластерлар кўпроқ трансчегаравий ҳудудларида ташкил этилиб, икки ва ундан ортиқ давлатларнинг хўжаликлари билан интеграциялашади. Иқтисодий имкониятлари ва ҳудудий қамрови кенгайтиши халқаро миқёсда фаолият юритиш имкониятини беради.

Бугунги эгилувчан ва тез ўзгарувчан бозор шароитида янгиликни бирданига йирик масштабда жорий қилиш ўринли эмас. Чунки, ҳар бир тармоқ мураккаб тизим ҳисобланади, ва айти пайтда, кластерларда бир қанча тармоқларнинг мавжудлиги уларни бошқариш, ўзаро манфатли шароитларни яратиш, мавжуд табиий ва иқтисодий-ижтимоий шароитлар билан боғлиқ муаммоларни босқичма-босқич ҳал қилиш имконини беради.

Кластерлар ташкил этишда тармоқларни бири-бири билан мувофиқлаштириш бугунги куннинг долзарб масаласи ҳисобланади. Бу вазифани асосан кластернинг ўзак корхоналари бажариши ва давлат органларининг фаол иштироки бўлиши лозим. Шундан келиб чиққан ҳолда, ўзак корхоналар қуйидаги вазифаларни бажариши талаб этилади:

- кластер тизимини шакллантириш;
- тармоқнинг бошқа корхона, ишлаб чиқарувчи, етказиб берувчи, ҳамкор ташкилот ва давлат органлари билан келишувларига эришиш;
- тармоқдаги корхоналарга тизимли равишда инвестиция, субсидия, кредитлар беришни ташкил этиш;
- бошқарув органлари фаолиятини ташкил этиш;
- кластерга бириккан корхоналар ўртасида иқтисодий муносабатлар юзасидан амалий тавсиялар ишлаб чиқиш;
- ишлаб чиқаришни ривожлантириш юзасидан истиқболли лойиҳалар тайёрлаш;
- илмий тадқиқот муассасаларини ташкил этиш ёки мавжудлари билан ҳамкорлик ўрнатиш ва бошқалар.

Шу ўринда, Америка Қўшма Штатлари тажрибасидан келиб чиққан ҳолда, қуйидаги уч босқичли кластер сиёсатини олиб бориш лозим, деб ҳисоблаймиз:

1. Аниқ ўзак саноат тармоғини ривожлантиришга қаратилган;
2. Тармоқлар орасидаги манфаатли ҳамкорликни шакллантиришга қаратилган;

3. Оқсаётган соҳаларни ривожлантиришга қаратилган [5].

Жаҳон тажрибасидан маълумки, кластерлар ташкил этишнинг дастлабки босқичида ҳукумат фаоллик кўрсатиши зарур. Айниқса, юридик жиҳатдан асосланган ҳужжатларни яратишда. Бунда юридик ҳужжатлар ҳудудларнинг табиий, иқтисодий ва ижтимоий шарт-шароитлардан келиб чиққан ҳолда яратилиши лозим.

Мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 21 декабрдаги “Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини ривожлантиришнинг 2017-2021 йилларга мўлжалланган чора-тадбирлар дастури тўғрисида”ги ПҚ-2687 сонли Қарори пахта-тўқимачилик, тикув-трикотаж саноатида кластерлаштириш жараёнини ташкил этиш ва ривожлантиришда дастлабки ҳуқуқий асос сифатида хизмат қилди [1]. Ушбу Қарор қабул қилингандан кейинги даврда иқтисодиёт тармоқларида кластерлар иқтисодий ривожланишнинг етакчи ташкилий тузилмаларидан бирига айланди. Ҳар бир ҳудуд кластерлар ташкил этишда ўзининг ҳуқуқий асосларига эга бўлиши ва мавжуд шароитлардан келиб чиққан ҳолда кластерларни такомиллашиб бориши лозим. Бундай ҳудудларга оид ҳуқуқий асосларни маҳаллий ҳокимликлар ва таъсисчилар ҳамкорликда ишлаб чиқишлари мақсадга мувофиқ.

Кластерларни анъанавий ишлаб чиқариш тармоқларидан фаркли жиҳатларидан бири илмий тадқиқот марказлари ва ишлаб чиқариш орасидаги кооперацион боғланганлигидир. Буюк Британия тажрибасидан келиб чиқиб катта илмий салоҳиятга эга илмий тадқиқот институтлари ва ишлаб чиқариш корхоналари ўртасидаги фаол механизмни яратиш давр талабидир. Мазкур механизмга кўра, ҳар бир кластер:

- технологик жараённинг бориши ва келажакда ривожланиш йўналишларини белгилаш;
- ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ва келгусидаги ишлаб чиқариш кўзда тутилган маҳсулотлар юзасидан тавсиялар тайёрлаш;

- экаётган экин турлари ва улар юзасидан келгусидаги йўналишларни аниқлаш;
- бошқарув тизимини ташкил этиш тартиби ва уни такомиллаштириш юзасидан йўналишларни ишлаб чиқиш;
- онлайн базалар яратиш, уларни доимий янгилаш ва такомиллаштириш учун юқоридаги ҳар бир йўналишлар бўйича грантлар эълон қилиб бориш зарур.

Хулоса ва таклифлар. Ҳар бир тизимни самарали бошқариш ишлаб чиқариш жараёнида ярим ютуқга эришиш билан баробардир. Ўзбекистон шароитида кластерлар тизимини ташкил этиш ва уни ривожлантиришда муайян муаммолар пайдо бўлиши табиий ҳолдир. Улардан бири кластерлар ташкил этишнинг сиёсийлаштирилишидир. Аксарият ҳолатларда кластерлардан ҳудудлар замонавий бренд сифатида фойдаланмоқда. Бундай кластерлар давлат томонидан фаол қўллаб-қувватланиши ҳисобига уларнинг фаолияти бир томонлама таҳлиллар чиқаришга олиб келмоқда. Натижада, бугунги кунда кластерлар ривожланишининг муҳим шарти бўлган иқтисодий рақобат устунлигига эга бўлмайди. Афсуски, бундай тоифадаги “псевдокластерлар” ёки сохта кластерларга имконият берилмоқда, аслида эркин бозор иқтисодиёти шароитида бундай кластерларнинг ривожланиши қийин кечади.

Ўзбекистон шароитида кластерларни ташкил этишда қуйидаги омилларга эътибор бериш мақсадга мувофиқ:

- Канада тажрибасидан келиб чиқиб, бошқарув органлари томонидан кластерлар ҳар томонлама қўллаб қувватланиши лозим. Негаки, кластерлар ташкил этишнинг дастлаби босқичида давлат кўмаги муҳим ўрин тутади. Бу эса кластерларни давлат томонидан бошқаришни талаб этади. Шу сабабдан кластерларни марказдан ёки маҳаллий ҳокимликлар томонидан назорат тизимини аниқлаб олиш лозим;

- минтақада логистика марказларини ташкил этиш ҳамда транспорт-географик ўрнини баҳолаш;
- мамлакат ва унинг ҳудудларида иқтисодий-ижтимоий инфратузилмани қай даражада ривожланганлигини ўрганиш;
- мамлакатнинг табиий, иқтисодий имкониятларини аниқлаш;
- меҳнат ресурсларининг малака ва кўникмаларини шакллантириб бориш;
- минтақада муваффақиятли фаолият кўрсатаётган корхоналарнинг келажак режалари ва бошқа кўрсаткичларни таҳлил қилиш кластерларнинг ривожланишига ижобий таъсир кўрсатади.

Япония тажрибасидан келиб чиқиб, кластер тизимига йирик корхоналар билан бирга, балки стабил иш олиб бораётган кичик корхоналарни ҳам киритиш мумкин. Натижада, ҳудудий ишлаб чиқариш кластерлари кичик ва йирик корхоналар ўртасида интеграциясни вужудга келтиради. Географлар томонидан ҳар бир давлат бир бутун организм, деб қаралади. Шундай экан, бир бутун организмнинг ҳамма органлари меъёрида ишлаши кутилган натижага тезроқ етиб бориш имконини беради.

Германия тажрибаси шуни кўрсатадики, иқтисодий жиҳатдан суст ривожланган минтақаларни кластер тизимига тезроқ тортиш ва уларга алоҳида эътибор қаратиш муваффақият калити ҳисобланади. Ўзбекистон шароитида тараққиётдан ортда қолаётган минтақаларнинг табиий, иқтисодий ва демографик имкониятларини рўёбга чиқариш учун кластерлар ташкил этиш катта аҳамият касб этади.

Фойдаланган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони.

2. Солиев А.С., Комилова Р.Қ., Янчук С.Л., Жумаханов Ш.З., Ражабов Ф.Т. Иқтисодий ижтимоий география. – Тошкент, Ношир, 2019. – Б. 69-70 б.

3. Портер М.Э. Конкуренция. Пер. с англ. / Майкл Портер. – М.: Вильямс, 2001.

4. Портер М.Э. Конкуренция: Пер. с англ. / Майкл Портер. – М.: Вильямс, 2003. – 605 с.

5. Пахомова И.Ю. Модель «тройной спирали» как механизм инновационного развития региона // Научные ведомости Белгородского государственного университета. Серия: Экономика. Информатика. – 2012. №7(126). Том 22.

6. Пилясов А. Лучшая практика формирования территориальных инновационных систем регионах России // Синергия пространства региональные инновационные системы, кластеры и проекты и знания. – Москва-Смоленск, 2005. – С.46-47.

7. Bekattini G. From Marshal's to the Italian-Industrial Districts. A Brief Critical Reconstruction // *Complexity and Industrial Clusters: Dynamics and Models in Theory and Practice*/ eds. A.Q. Curzio, M. Fortias. Heidelberg: Physica-Verlag, 2002

8. Международный центр научной и технической информации. «Инновационно-технологические кластеры стран – членов МЦНТИ» (Информационный материал), февраль 2013 г. [Электронный материал] // Режим доступа: <http://www.icsti.ru/uploaded/201304/cluster.pdf> (дата обращения: 13.05.2016 г.)

9. Смородинская Н., Катукоев Д. Кластерный подход в инновационной политике: мировые ориентиры для России // Второй Российский экономический конгресс (РЭК- 2013). Суздаль, 18-22 фев. 2013 г. – С. 6.